




ТОШКЕНТ



ОҚШОМ

ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЁСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 105 (9.449) 2000 йил 4 сентябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

**Халқимиз ўзининг буюк тарихи-
да кўп-кўп машаққатли синовлар-
дан, ҳаёт бўронларидан кучли иро-
даси, пок иймон-этиқоди туфай-
ли омон чиққан.**
**Бугун кўпмиллатли халқимиз юр-
тимизда ҳукм сураётган тинчлик-
осойишталик, миллатлараро то-
тувлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳам-
жиҳатлик ва аҳилликнинг қадр-
қиммати, айниқса, чуқур ан-
ламоқда.**

Ислом КАРИМОВ.

ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!



Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Қадри мўҳимлар!
Ҳаммамиз учун қувончи ва ҳаяжонли бўлган ушбу ай-
ёнда энг улғу, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг
тўққиз йиллик шодиемаси билан барча юрдошларимиз-
ни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.
Муқтарам дўстлар!
Бундан тўққиз йил муқаддам халқимизнинг бўқилмас
иродасига суяниб, асрлар бўйи давом этган куллик ва
қарамлик занжиридан озод бўлиб, ўз тақдиримизни ўз
қўлимизга олдиқ.
Ўз қадр-қимматимиз, миллий давлатчилигимиз, мада-
нийтимизни, муқаддас қадриятларимиз, тилимиз ва дини-
мизни қайта тиклаб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб,
жаҳон ҳамжамиятида ўзинизга муносиб обрў-эътибор қозо-
нишга эришдик.
Бугун янги демократик давлат, адолатли жамият қуриш,
бекиёс салохиятимизни ишга солиш, иқтисодийимизни
ривожлантириш ва маънавийимизни юксалтиришда, бир
сўз билан айтганда, Ватанимизни обод қилиш, шу муқад-
дас заминда яшаётган одамларга фаровон ҳаёт шароити
яратиб бериш йўлида халқимизнинг бунёдкорлик ва яра-
тувчилик фаолияти яққол намоён бўлмоқда.
Бугун амалга оширган улғувор ишларимизни сарҳисоб
қилиб айтганим бўлсак, бу ишлар Ватанимизнинг катта
таракқиёт йўлига чиқиб олиши, дунёдаги ривожланган
давлатлар қаторига қўшилиши, буюк мақсадларимизга эри-
шиш борасида қўйилган биринчи қадамлар эканини ҳам-
мамиз яқин англаб олмақдамиз.
Кўзлаган юксак марраларимизга етиш учун белни қат-
тиқ боғлаб меҳнат қилишимиз, олдимизда турган кўп-кўп
мураккаб муаммоларни ечимимиз даркор.
Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун биз, аввало, ўзи-
мизга қандай ғоя, қандай маслакни байроқ қилиб олиши-
миз лозимлигини, бу борада бизга нима қўлиб бўлиш
турганини ва улардан халос бўлиш йўллари яққол та-
саввур қилишимиз зарур.
Буллар қаторидаги энг муҳим вазифа шундан иборатки,
ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз,
азиз-авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни асраб-
авайлаб, янада бойитишимиз, улғу аждодларимиз иши-
ни муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор.
«Авесто» каби қадимий ёдгорликларни эслаганда, Бу-
хоро ва Самарқанд, Шахрисабз ва Хиваджа, Насаф ва
Термиздаги тарихий обидаларни кўрганда, гўзал Фарго-
на водийсини кезгача, муаззам пойтахтимиз Тошкент-

нинг бугунги жамолини кўрганда, қалбимизда биз дунёда
ҳеч кимдан кам эмасмиз, деган миллий ғурур, миллий иф-
тихор туйғуларини жўш уради.
Шундан келиб чиққан ҳолда, ишон билан айта оламиз:
бизким — Ўзбекистон халқи, ана шундай улғу зотларнинг
авлодимиз, ана шундай бекиёс салохият эгаларимиз, олди-
мизга ана шундай юксак мақсадлар қўйишга ҳақимиз ва
ўлмас меросимиз, умуминсоний қадриятларга суяниб буюк
марраларга эришмоққа қодиримиз.
Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад, ёвуз ният
билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шунини талаб
қилишга ҳақимиз.
Бугун ёшларимиз қалбидан, мен мана шундай буюк эл,
бетакрор юрт фарзандиман, деган ҳиссиётни қарор топти-
риш — биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.
Шу билан бирга, оёқ-қўлимизни, онгу тафаккуримизни
боғлаб турган эски тушунча, эски асоратлардан тезроқ хал-
ос бўлишимиз, ҳар бир инсон, аввало, ўз кучига ишониб,
янгиликка интилиб яшаш, тadbиркорлик, ташаббус, изла-
ниш, ислохотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини оши-
риш — ҳар биримиз учун энг долзарб, керак бўлса, ҳал
қилувчи вазифа эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз
зарур.
Хурматли юрдошларим!
Бугун олдимизда турган ўта муҳим, улкан вазифалардан
яна бири — бизнинг ўрнимизга келётган, ўз фикри, ўз
дунёқарashi, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги
авлод тарбиясида.
Мен ана шу буюк мақсад учун ҳеч нарсани аямаслик,
барча имкониятларни сафарбар қилиш, фарзандларимиз олди-
даги, келажак олдимизга ота-оналик бурчимизни адо этиш
— умумий миллий вазифамизга айланишини истар эдим.
Бугунги кунда ёш-атрофимиздаги аҳолини теран англаган
ҳолда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз дар-
кор.
Лоқадиллик, бепарволик, беғамлик, ғофиллик иллатлари-
дан халос бўлишимиз, доимо хушёр, оғоҳ бўлишимиз за-
рур.
Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш,
эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш —
ҳаётимизнинг маъно-маъмунига айланиши керак.
Қадри мўҳимларим!
Мен бугун шу юксак минбардан туриб, гўзал ва бетакрор
мамлакатимизнинг ҳақиқий эгалари бўладиган миллион-мил-
лион ёшларимизга, пахлавон фарзандларимизга айтмоқчи-
ман:

Эй, улғу Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу
ҳаётда оруз-интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қилади-
ган ишларингиз кўп.
Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг му-
қаддас вазифаңгиз — юртимиз истиқлолини, халқимиз эрки
озодлигини кўз қорачиқда асраш, унинг хавфсизлигини
ҳимоялашдир.
Мен ушбу муборак айёмда сарҳадларимизнинг дахлсиз-
лигини, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталик-
ни қўсини қалқон қилиб ҳимоя этаётган барча аскарлари-
мизни, барча ҳарбийларимизни бугунги байрам билан ўз
номидан, бутун халқимиз номидан бағримга босиб, алоҳи-
да табриқлайман.
Ёвуз террорчи тўдаларга қарши курашларда жон фидо
этган жасур ўғлонларимизнинг сўнмас хотираси олдимда, ана
шундай асл, мард фарзандларни воёга етказган ота-онала-
ри, оила аъзолари, ёру биродарлари олдимда бош эгатаман.
Азиз дўстлар!
Халқимиз ўзининг буюк тарихида кўп-кўп машаққатли си-
новлардан, ҳаёт бўронларидан кучли иродаси, пок иймон-
этиқоди туфайли омон чиққан.
Бугун кўпмиллатли халқимиз юртимизда ҳукм сураётган
тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-
оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳилликнинг қадр-қиммати, айни-
қса, чуқур анламоқда.
Бунёдкорлик меҳнати билан ана заминимизга қирой ба-
ғишлаб, ёруз ният ва тилалар билан янги асрга қадам
қўймоқда.
Ишончким қилимки, ана шундай туйғулар, эзгу интилиш-
лар билан яшаётган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.
Бундай халқнинг олижанон оруз-умидлари ижобат бўлмай,
Яратганимизнинг ўзи бу йўлда мададкор бўлмай, иншоол-
лох.
Азиз ва муқтарам ватандошларим!
Ушбу кутлуг оқшомда доғишманд отахонларимизни, му-
нис оналаримизни, меҳрибон аёлларимизни, гўзал қиз-
ларимизни, азамат йигитларимизни, жондан азиз фарзанд-
ларимизни — бутун Ўзбекистон элини бугунги буюк байрам
— Мустақиллик кўни билан ана бир бор табриқлайман.
Барчамизнинг бошимиз омон, юртимиз обод бўлсин!
Ўзбекистонимиз дунё турғучи турсин!
Янги аср биз учун таракқиёт ва саодат асри бўлсин!
СУРАТЛАРДА: байрам тантаналаридан лавҳалар.
(ЎзА) ва Сергей Любич олган суратлар.

Тошкент. Мустақиллик майдони. 2000 йил. 31 август.

Халқимизнинг асрий ор-
зулари рўйбга чиқиб юр-
тимизнинг кўп миллатли хал-
қлари Истиқлол кўеши ости-
да аҳил-баҳамжиҳат ҳаёт
кечираётганига ҳам тўққиз
йил бўлди. Вақт ўтгани сари
инсоният учун берилган энг
олий неъмат бўлиш Мус-
тақилликнинг қадрига
кўпроқ етиб, унинг моҳия-
тини янада теранроқ англаб
етмоқдамиз. Тарих учун
кирик қоққудек қисқа вақт
бўлиши ўтган тўққиз йил
ичида озмунча ютуқларга
эришмадик. Авваламбор
миллий, маънавий, диний
қадриятларимиз тиклангани
ҳолда ўзлигимизни англа-
дик, Ўзбекистон жаҳон ҳам-
жамияти ичра ўз ўрнига эга
бўлди, халқ фаровонлиги ва
юрт ободлигини таъминлаш,
демократияга асосланган
фуқаролик жамиятини
қуриш йўлида муҳим ва сал-
моқли қадамлар ташланди.
Ўзбекистон автомобиллари-
нинг жаҳон мамлакатлари
бўйлаб қизиллаб қатнаётга-
ни, спортчиларимизнинг энг
нуфузли халқро мусобақа-
лардаги ғалабалари шара-
фига мадҳиямиз янграётга-
нидан қувонмай ва фахр-
ланмай бўладими, ахир. Энг
муҳими, бугунги кунда
Ўзбекистон минтақадаги ва
бутун дунёдаги низоларни
тинч йўл билан ҳал этишга
собиққадамли билан хара-
кат қилаётган тинчлик эл-
чисига айланмоқда. Энг юк-
сак иқтидорларимиз, истеъ-
додли кишиларимиз юзага
чиқиб порлоқ истиқболи-
мизни таъминлаш йўлида
фидокорона меҳнат қил-
моқдалар. Эбру, қаҳрамон
шоиримиз Абдулла Орипов
ёзганидек:

**Йиллар ўтар балким,
ўтар кўп замон,
Ер юзи қулаган
бахта, чаманга.
Асар дардларинга
булоқс дармон,**

(Давоми 3-бетда).

Самимий табрик

Тошкент шаҳар ҳокими К.Н.Тўлаганов номига Мос-
ква шаҳар мэри Ю.М.Лужковдан табрик телеграм-
маси келди. Унда жумладан шундай дейилади:

«Хурматли Козим Носирович!
Москва ҳукумати ва барча москваликлар номидан Сиз-
ни ва Тошкент аҳолисини Ўзбекистон Республикасининг
Мустақиллиги кўни билан табриқлайман. Қадимдан Шарқ
дарбозаси бўлган ва икки минг йилликдан зиёд тарихга
эга бўлган Сизнинг шаҳрингиз бугун фан, маданият, таъ-
лим юксак таракқиёт тоғи, юксак сиёсий, иқтисодий ва
маънавий салохиятга эга бўлган марказдир. Бизнинг ша-
ҳарларимиз ўртасидаги тайёроланган битим лойиҳасининг
имзолаши тошкентликлар ва москваликларнинг бахт-
саодати йўлида иқтисодий ва инсонпарварлик маданий
соҳалардаги амалий алоқаларнинг чуқурлашувида янги
омил бахш этади, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақ-
камлашга бўлган интилиш эса алоқаларимизнинг юксали-
шидаги янги муваффақиятларнинг гарови бўлади.

Сизга ва Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг барча
аҳолисига сийҳат-саломатлик, фаровонлик ва янада гул-
лаб-яшнашни тилайман».

ЭГАЛИ ЮРТ ЭРКИНИ БЕРМАС

Президент Ислам Каримовнинг Иккинчи чақирғиқ Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, ҳур-
матли халқ депутатлари!
Муқтарам дўстлар!
Авалло, юртимизда тўда-
ларга қарши жангларда
қаҳрамонларга халқ бўлган
мард ва жасур ўғлонлари-
мизни хотирлаб сўз сақ-
лашимизни сўрайман.
Она Ватан ҳимояси, юр-
тимизнинг тинчлиги йўлида
ўз жонини фидо этган ва ас-
карларимизнинг ота-онала-
рига, оила аъзоларига, ёру
биродарларига ана бир бор
биродардан, халқимиз но-
мидан чуқур ҳамдардлиқ
билдириб, таъзия изҳор эта-
ман. Бу ботир ўғлонлари-
мизнинг номлари барчамиз
учун мардлик ва жасорат,
фахру ғурур тисмоли бўлиб
қолади. Уларнинг сўнмас
хотираси халқимиз едидан
ҳеч қачон ўчмайди.
Азиз юрдошларим!
Чегара ҳудудларимизда
рўй бераётган бу воқеалар
ҳақида матбуотимиз, радио-
телевидение орқали мунта-
зам ахборот бериб бори-
моқда.
Жойларда бўлиб ўтаётган
учрашуларда, йиғилиш ва
митинглардаги чиқишларда
ёвуз босқинчиларнинг кир-
дикорларига қарши ўз қару


газавини изҳор этаётган
одамларимизда, айниқ-
са, меҳнаткаш ва оққўн-
лиқ диниёти Наманган ахлида
қаҳру газав йўғмоқда. Улар
бу кўрнамани Наманганнинг
номи, Наманганнинг нони кўр
қилин, деб қармоқда.
Нега деганда, террорчи-
нинг миллати йўқ, унинг ота-
онаси йўқ, дини, иймони йўқ.
Ватанини, юртини, виждо-
нини сотган бу кимсалар ўз
қирдиқорларини халқимиз
учун муқаддас бўлган диний
тушунчаларни қиқиб остида
амалга оширмоқда.
Лекин, ҳар бир ақли расо
одам билиб турибдики, бу-
ларнинг ҳаммаси лўтибоз-
ликдан бошқа нарсас эмас.
Нега деганда, бу ғаламис-
ларда иймон-этиқод, мусул-
мончиликдан заррача асар
борми ўзи? Аслида булар
виждонини, ота-онасини, эл-
юртини пулга сотган қип-
қизил соткин, қип-қизил хо-
инлар эмасми?
Аслида улар хориждаги
катта молиявий, ҳарбий, мод-
дий имкониятларга эга бўлган
экстремистик марказларнинг
қўлидаги кўрчироқ бўлиб, за-
ҳарли чаёнга айланган разил
кимсалардир.
Хўш, ана шу экстремистик,
террорчи марказларнинг мак-
сад ва интилишлари нима-
лар?

(Давоми 2-бетда)

ИККИНЧИ ЧАҚИРҒИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Авал хабар бериб ўтганимиздек
30-31 август кунлари Тошкентда ик-
кинчи чақирғиқ Ўзбекистон Респу-
бликаси Олий Мажлисининг учинчи
сессияси бўлиб ўтди.
Йиғилишни Олий Мажлис Раиси
Э.Халилов бошқарди.
Сессияда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов нутқ
сўзлади.
Давлатимиз раҳбарининг таклифи
билан сессия иштирокчилари тер-
рорчиларга қарши операция жараё-
нида ҳалок бўлган Ватан ҳимоячи-
лари хотирасини сўқут сақлаш
билан ёлға олди.
Депутатлар Ўзбекистон Республи-
каси Олий Мажлисининг Ўзбекистон
фуқароларига, барча мамлакатлар-
нинг парламентларига, жаҳоннинг
таракқиётпарвар жамоатчилигига му-
рожаатномасини қабул қилди.
Парламент «Жалолиддин Мангу-
берди» орденини таъсис этди. Маз-
кур масала юзасидан Президент
Ислам Каримов сўзга чиқди.
Сессияда Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирини ўринбосари, молия
вазири Р.Азизов Давлат бюджетини
2000 йил биринчи яримидан
ижроси тўғрисида ҳисобот берди.
Депутатлар сессия кун тартибига
қўйилган бир қанча Қонунларнинг
лояихаларини муҳокама қилдилар.
Жумладан, «Терроризмга қарши ку-
раш тўғрисида»ги Қонун лойиҳа-
сининг биринчи ўқишда маъқулланиб, уни



БУЮК КЕЛАЖАКНИ БАРКАМОЛ АВЛОД ҚУРАДИ

Ўзбекистон халқи истиқлолга эриш-
ган илк кундан бошлаб ўз олдида буюк
кеलाжак қуришдек олий мақсадни
қўйди. Айни пайтда амалга ошириля-
ётган барча ишлар шу мақсадга қаратил-
ган. Буюк келажакни баркамол авлод —
доно, билимли, интилувчан ва қобили-
ятли ёшлар қуради. Ўзбекистонда бос-
қим-босқим амалга ошириляётган
Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури йо-
нан ана шундай авлодни тарбиялаб, во-
яга етказишга қизмат қилмоқда.
Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиб
фойдаланишга топшириляётган мактаб, ли-
цей, гимназия ва коллежлар сони тобора
ортиб бораётир.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатларнинг парламентларига, жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилигига

МУРОЖААТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим чегара ҳудудларига халқаро террорчи тўдаларнинг суқилиб қиргани халқимизнинг тинч бунёдкорлик ҳаётига, мамлакатимиз ҳамда ўрта Осиё минтақасидаги бошқа давлатларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Тиш-тирноғига қуролланган, чет элларда махсус тайёргарликдан ўтган, турли миллатга мансуб босқинчи-террорчилар эъравонлик ва ёвузлик билан жамиятимизнинг тинчлиги, оқсоқиллигини бузишга уринмоқда.

Бу разил ҳаракат — одамийлик қиёфасини йўқотган террорчиларнинг Ўзбекистон мустақиллигига, унинг конституцион тузумига қарши, кўпмиллатли халқимизга, шу заминда яшаётган ҳар бир инсонга нисбатан қабиҳ хуруж-дир.

Бу — фарзандларимиз, ота-оналаримизнинг ҳаётига, опа-сингилларимизнинг ор-номуси ва қадр-қимматига қарши қаратилган жirkanч тажовуздир.

Биз мамлакатимизнинг чегара ҳудудларида содир этилган бу террорчилик ҳаракатларини халқимизни ўзи танлаган демократия ва тараққиёт йўлидан қайтариш мақсадида сиёсий қуч ва қора ниятли марказлар томонидан олдидан тузилган режа асосида амалга оширилган фитна деб баҳолаймиз.

Муқаддас тулғоғимизга тажовуз қилган босқинчиларни батамом йўқ қилиб ташлаш, сарҳадларимизни мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Президенти, мамлакат Қуролли Қучлари Олий Бош Қўмондонли Ислам Каримов раҳбарлигида барча зарур чора-тадбирлар кўриломоқда.

Ёвуз қучларни юртимиз сарҳадларида яқсон этган Ватан ҳимоячилари халқимизнинг юксак эҳтиромига лойиқ. Террорчи тўдаларга қарши олиб борилган жангларда Ватанимиз хавфсизлиги, Ўзбекистон фуқароларининг тинчлиги ва омонлиги йўлида жон фидо этган қаҳрамонларимизнинг номлари қалбимизда абадий яшайди.

Биз ана шу жасур ўғлонларимиз билан фахрланамиз, уларнинг барча қариндош-уруғлари ва яқинларида чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.

Бугун ҳар биримиз мамлакатимиз мустақиллиги, халқимиз тинчлигига қарши қаратилган бу хавф-хатарни аниқ ва равшан англаб олишимиз, маккор, ёвуз қучларга муносиб зарба беришга ҳар дақиқа тайёр туришимиз зарур.

Биз Ватанимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг қудратини ошириш ва фаровон ҳаётга эришиш йўлида бутун Ўзбекистон халқини янада жиқлаштиришга чакирамиз. Жамиятимиз бирлиги, фуқаролар ва миллатларaro тўтувликни янада мустаҳкамлаш, кўзлаган эзгу мақсадларимизга эришиш учун фидокорона меҳнат қилиш — ҳар қандай ёвуз қучларнинг юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлигига қарши қаратилган таҳдиди ва хуружга бизнинг энг муносиб жавобимиз бўлади.

Бунинг учун биз доимо хушёр ва огоҳ бўлишимиз, террорчилик ва диний ақидапарастлик ҳаётга қарши қурашда ҳокимият идоралари билан фаол ҳамкорлик қилишни, ўз уйимиз, маҳалламиз ва юртимизни ҳимоя этишни ўзимизнинг муқаддас фуқаролик бурчимиз деб билишимиз лозим.

Олий Мажлис барча давлат органларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига мурожаат қилиб, уларни тинчлик ва тўтувликни мустаҳкамлаш, мустақиллик, демократия ва тараққиёт йўлидаги амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатишга даъват этади.

Биз кўпни кўрган уруш ва меҳнат фахрийларига, таълим даргоҳларининг ўқитувчи ва мураббийларига, маданият ва санъат намоёндаларига, соғлом фикрли уломоларимизга мурожаат қилиб, уларни муқаддас динимизни ниқоб қилиб олган ёвуз қучларнинг кирдикорларини фожия эътишда, кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларимизни, динимизнинг инсонпарвар моҳиятини ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онига синдиришда фаол қатнашишга чакирамиз.

Биз муборак заминимизда ёвузлик, қабиҳлик қилишга, ислом дини номидан жинояткорона мақсадларни амалга оширишга асло йўл қўймаймиз.

Халқимиз ва давлатимиз илгор дунёқарашга эга, шижоатли ва ташаббускор ёшларимизга катта умид билан қарайди, улар тимсолида ўзининг буюк келажагини кўради. Биз ёшларни мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларга сергаҳлик ва масъулият билан қарашга, мустақиллик ва демократия ютуқларини қадрлашга, озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек шарафли ишда олдидан сафларда бўлишга даъват этамиз.

Ишончимиз қимлики, бу навқирон авлод ота-боболаримиздан бизга мерос қолган Ватанимиз сарҳадларини, барча фуқароларнинг тинчлиги ва оқсоқиллигини кўз қорачиғида асрашга, малъун тўдаларга муносиб зарба беришга қодир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хорижий мамлакатлар парламентларига, жаҳондаги барча тараққийпарвар қучларга мурожаат этиб, уларни террорчилик, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишига қарши қурашда ҳамжихат бўлишга, турли минтақаларда, жаҳон миқёсида барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун бор имкониятларни ишга солишга чакирлади.

Олий Мажлис демократия ва инсонпарварлик борасида умумэътироф этилган тамойилларга содиқ эканини тасдиқлаб, кўпмиллатли халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этиб, Ўзбекистонни ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш йўлидан ҳеч қандай қуч қайтара олмаслигини яна бир бор қатъий баён этади.

Иккинчи қаҳирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида 2000 йил 30 августда қабул қилинган.

ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

БУЮК КЕЛАЖАКНИ БАРКАМОЛ АВЛОД ҚУРАДИ



(Охири. Боши 1-бетда).

2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шундай билим масканларидан бири — Тошкент шаҳар қурилиш ва миллий ҳунармандлик касб-хуна қоллежининг очилиш маросимига иштирок этди.



Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлағанов очди.

Мазкур коллеж ўз лойиҳаси жиҳатидан республикамизда ягона бўлиб, Меҳнат вазирилик буюртмаси асосида бунёд этилди. Унинг қурилишига 1,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Замонавий меъморлик аъёналари асосида қад ростирилган мазкур бинода 1250 нафар ўқувчи таълим олади. Бу ерда ўқувчиларга дурадгорлик, газ таъминоти тизими жиҳозларини ўрна-тиш ва таъмирлаш, зарғарлик бўйича ва таъинноқлар тайёрлаш, миллий меъморлик-декоратив санъати ва нақш каби йўналишлар бўйича таълим берилади.

Янги илм маскани энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Кимё лабораторияси, информатика хонаси ва турта ишлаб чиқариш устанонасининг жиҳозла-ниши жаҳон андозаларига жавоб беради. Тикув — дизайнерлик хонасида эса дунёга машҳур «Paff — Singer» компаниясининг тикув машиналари ўрнатилган.

Коллежда ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиш учун яратилган шарт-шароит кишда ҳавас уйғотади. Бу ерда теннис кортилари, футбол майдони ва ёпиқ спорт зали мавжуд. Усти ёпиқ сув ҳавзасида эса қиш-ёзн сувиш билан шуғулланиш им-конияти бор.

Давлатимиз раҳбари янги ўқув мавсуми-да иш бошлаган мазкур коллеж очилиши-да сўзга чиқиб, Ўзбекистон келажаги ай-нан ана шундай замонавий билим маскан-ларида таълим оладиган ёшларимиз кўли-да бўлишини яна бир бор таъкидлади. Ма-росимда сўзга чиққан ота-оналар ва ўқу-чилар Президентимизга ёшларга қўрсати-лаётган бундай юксак эътибор ҳамда яра-тилаётган имкониятлар ва ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор қилди.

Юртбошимиз коллеждаги синф хонала-ри ва устаноналар билан танишув чоғида ўқувчилар ва мураббийлар билан суҳбат-лашди. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини тин-глади. Мамлакатимиз раҳбари коллежлар-даги ўқув хоналарини жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. — Биз дунёнинг энг ривожланган дав-латларидан, жумладан, Япония ва Жанубий Кореяда бу иш қандай йўлга қўйилганига эътибор қаратиб, уларнинг илгор ўқиш услубларини ўрганиб, мактабларимизда ўзи-мизнинг миллий таълим-тарбия борасида-ги тажрибаларимиз билан уйғунлаштирсак, максадга мувофиқ бўлади, — деди Прези-дент.

Ислам Каримов коллежда зарғарлик, ба-дий ўймакорлик ва нақш сингари миллий ҳунармандлик турларидан илм берилиши-га юқори баҳо берди. Коллежнинг очилиш маросимига Ўзбе-кистон Президентининг Давлат маслаҳат-чиси Т.Рисқиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Каримов ва бошқалар иштирок этди.

Анвар КАРИМОВ, ЎзА мухбири. СУРАТЛАРДА: янги касб-хуна қолле-жининг очилиш маросимидан лавҳалар. Дилшод Юсупов (ЎзА) ва Тохир Нигматуллин олган суратлар.

(Охири. Боши 1-бетда).

энг улкан вазифалардан экан-лигини алоҳида таъкидлаган ҳолда кириб келаётган янги асрнинг биз учун тараққиёт ва саодат асри бўлишига ти-лак билдирди.

Сўнг одатга кўра янги да-стур асосида тайёрланган, замонавий нафаси барқ уриб турган, либослар ва турфа ранглар жиҳоси ажиб уйғун-лашган театрлашган байрам томошалари бошланди.

Томоша муқаддимасида янграган «Жаҳонда ягона Ўзбекистоним» қўшиқ саҳна-ларида Ватан озодлиги йўли-да жонини фидо қилган буюк ўғлишдошларимиз — Тўма-рис, Широк, Спитамен, Жа-лолиддин Мангуберди сий-моларининг чиқишлари ҳам истиклолимизнинг нақадар орзиқиб қутилган буюк неъмат эканлигининг рамзий



шаҳрида бошланадиган Олимпиадада қатнашишга йўлланма олган 77 нафар спортчиларимиз олдида Ва-тан шарафини муносиб ҳимоя қилишдек масъулиятли вази-фа турганлиги дилимиздан кечди, уларга омад ва муваф-фақиятлар тил-ладик.

Саҳнага оқсоқиллиги-миз по-сбонлари бўлиш зоти-бит ва аскар-ларимизнинг чиқиб келиш-лари, улар-нинг шиддат ва шижоатла-ри эртанги кунимизнинг тинч-оқсоқил-и шон-чли кўлларида эканлигини намоён қилди.

Шу азиз Ватан — барча-мизники. Ушбу саҳна ва меҳ-мондўст, фойзли за-минда фао-лият кўрсатиб, мустақили-гимизни мустаҳкамлаётган барча вилоятлар ва Қора-қалпоғистон Республикаси-нинг энг сара дасталари, ис-

ифодаси бўлди.

Соғлом авлод йилида те-атрлаштирилган томошалар-ни энг муносиб болалар да-сталари бошлаб бериши ҳам бежиз эмас.

«Ором» боғча-мактаб мар-жа тарбияла-нувчилари ва ўқувчилари, Ўзтеварадио-компанияси-нинг «Булбул-ча» болалар ашула ва ракс ансамбли, «Томоша» бо-лалар театри, «Севиш» бо-лалар вокал ансамбли иж-росидаги «Ав-лодлар камол-и — миллат қувончи» да-стури барча йиғилганлар қўйилганларига хуш кайфият бахш этиб, бо-лалари соғлом, удадурро ва ватанпарвар юртининг истик-боли албатта порлоқ бўли-шини ифода этди.

«Дунёни забт этар ўзбек спорти» дастури орқали пол-воиларимиз, каратэчилари-миз, теннисчиларимиз, ёш спортчиларимизнинг мусика-ли чиқишлари томо-ша қилар эканми-з ай-ниқса бу йил футболчилари-миз, тен-нисчилари-миз, каратэ-чиларимиз, чарм қўлқоп усталари, эркин ва юн-он-рум курашчилари-миз учун жуда муваф-фақиятли кечгани, са-нокли кун-лардан сўнг Австрали-янинг Сидней

теъдодли хонада ва созан-далар ижросидаги ҳар бир гушанинг урф-одатлари ва аъёналари жўш уриб тур-ган, хусусан Хоразмнинг «Сурнай лагзиси», Андижон «Ушшоғи», Фарғонанинг «Аския пайроғлари», Наво-ийнинг «Чўпон бола», Сур-хондарёнинг «Халқ терма-лари» каби чиройли ва пи-

ли гўшаларда эрта тонг-дан то кечга қадар давом этади.

Дилшод ИСРОИЛОВ, СУРАТЛАРДА: Муста-қиллик майдонидаги ас-сий байрам тантанала-ридан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.



ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАБЛАҲАДАН ОЛИНГАН СУЎНГҲА ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

♦ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан дил эҳзори биланган сав-нимий кутловлар келиши давом этмоқда.

♦ Утган жума куни республикаимизнинг барча гўша-ларида Мустақиллигимиз 9 йиллигига бағишланган тантана ва шодиёналар бўлиб ўтди.

♦ Утган шанба куни мамлакатимиз таълим даргоҳлари-да янги ўқув йили бошланди.

♦ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан дил эҳзори биланган сав-нимий кутловлар келиши давом этмоқда.

Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг бошлиғи ўринбосари — чегара қўшинлари Бош штабининг бошлиғи вазифасидан озод қилинди.

♦ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони-га кўра Гафуржон Тишбаев бошқа ишга ўтиши муносабати бил-лан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинди.

♦ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйда мамлакатимиз ташқи сиёсат мақамаси раҳ-бари Абдулазиз Комилов иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда хорижий мамлакатлар ва халқаро таш-килотларнинг Тошкентдаги ваколатхоналари вакиллари, ом-мавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

♦ Марказий банкнинг Тижорат банкларини рўйхатга олиш комиссияси «Сугдиёна-банк» хусусий акциядорлик тижорат банкига банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини бе-рувчи тегишли лицензия берди ва уни тижорат банкларини рўйхатга олиш давлат китобига қайд этди.

♦ Тошкентдаги радиотелевизион узатиш маркази (теле-миноран)нинг техник залида ўзбек телевидениеси биринчи миллий дастури учун янги кучли узатиш қўрилмасини ўрна-тиш ишлари низоҳисига етди.

♦ Ислам университетидеги академик лицей очилди.

♦ Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида замонавий алоқа ва компьютер техникалари билан жиҳозланган янги «Тулси-тон» блок-пости ишга туширилди.

ЖАҲОНДА

♦ **Кеча** Россия Президенти Владимир Путин уч кунлик расмий ташриф билан Японияга келди. Бугун у Токиода Россия бош вазир И. Мори билан музокара олиб боради.

♦ **Бугун** Арманистон Президенти Роберт Кочерян минг-йиллик саммитда қатнашиш учун Нью-Йоркка жўнаб кетди. Анжуман эртага очилади.

♦ АҚШ Президентининг Колумбияга ташрифи низоҳисига етди.

♦ Индонезиянинг собиқ президенти Сухарто устидан суд бошланиб, шу куннинг ўзида тўхтатилди. Химоячиларнинг билдиришича, 79 ёшли собиқ президентнинг соғлиги анча ёмонлашди ва у суд жараёнида иштирок этолмайд.

♦ 20 ёшли Челси отаси Билл Клинтон босиб ўтган йўлдан бормоқчи. У Калифорниядаги Стэнфорд университетининг тарих факультетини битиргач, ўқини Оксфордда давом эт-тириш ниятида.

♦ Ислам Конференцияси Ташкилотининг навбатдаги йи-ғилишида Ал-Қуддус шаҳрининг мақоми масаласида Ёсир Арофатнинг нуктаи назари тўла қўллаб-қувватланди. Мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар вакилларининг Марокашда бўлган йиғилиши якунида Қуддус Фаластин давлатининг пой-тахти бўлиши керак, деган мазмунда баёнот қабул қилинди.

♦ **Кеча** Москвада шаҳар куни байрами ўтказилди. Шу-кун Россия пойтахтида Юрий Никулинга бағишланган ёд-горлик очилди.

♦ **Бугун** дан бошлаб Грузияда электрэнергияга тўла-надиган ҳақ оширилди.

♦ Ялгада «Учинчи мингйилликка — биргаликда» деб ном-ланган халқаро телекинофоруми очилди.

♦ **Бугун** Ливанда парламент сайловларининг якуний на-тижалари эълон қилинади.

♦ Конго Демократик Республикаси ҳукумати мамлакат-даги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорликка барҳам бериш мақсадида Уганда, Руанда, Бурунди ҳамда Конго иштирокида музокара ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

♦ АҚШнинг Нью-Мексико штатида жойлашган полигон-да TRW компанияси томонидан ишлаб чиқарилган ракетага қарши лазер қўрилмаси синовдан ўтказилди.

♦ Сьерра-Леонеда жангарилар томонидан гаровга олин-ган 11 нафар Британия аскарларидан беш нафари озод қилин-ди.

♦ Россия миллий жамоаси Сиднейга борадиган жа-моалар орасида сон жиҳатидан учинчи ўринда турибди. Маълумотларга кўра, бу борада Олимпиада мезбонлари ётақчи. Кейинги ўринни эса америкаликлар жамоаси эгаллаган.

